

---

## Қува туманида медиа-тур ўтказилди.

Қува тумани аввалдан кўчатчиликка ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда аҳоли томорқаларида мевали, манзарали ва гул кўчатлари етиштирилиб республикамиздаги шахар-туманларга, қолаверса чет эл мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Республикамиз ва вилоятимиздаги оммавий ахборот вакиллари, журналист ва блогерларлар иштирокида ўтказилган медиа-турда туманда аҳоли ҳонадонлари ва кооперациялар томонидан етиштирилаётган кўчатлар ва улардан олинаётган даромад билан яқиндан танишдилар.

Дастлаб тумандаги “Томорқа ер участкаларини ривожлантириш илмий-амалий маркази” МЧЖ томонидан интенсив ва лаборатория усулида етиштирилаётган кўчатлар билан танишдилар. Шундан сўнг Қорақум маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳоли ҳонадонларидаги томорқаларда етиштирилаётган мевали ва манзарали кўчатларни етиштириш жараёнлари билан танишдилар.

Медиа-тур давомида етиштирилган кўчатларни сотиш жараёнлари билан танишиш мақсадида ҳудудда ташкил этилган савдо бозорига ҳам ташриф буюриб сотувчи ва ҳаридорлар билан суҳбатлашдилар.

2022-03-04 20:59:30